

Президент Шавкат Мирзиёев Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг янги биносини бориб кўрди



23:00 / 11.08.2023 1199

Президент Шавкат Мирзиёев 11 август кунни Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг янги биносини бориб кўрди.

- Бу Янги Ўзбекистонга муносиб олийгоҳ бўлди. Энди у илми билан халқимизга хизмат қилиши керак. Юртимизда Тиббиёт академияси, ихтисослашган илмий марказлар, ҳудудларда институтлар бор. Бу илмий салоҳият қандай қилиб халққа етиб боради? Бунинг учун уларни ҳудудларга бириктириш, соғлом тиббий-ижтимоий муҳит яратиш керак. Масъул маҳалласида касалликлар камайишига қараб, мутахассисларга

устама бериш мумкин. Образли айтганда, профилактика нуқтаи назаридан 36 миллион аҳоли устида “соябон бўлиш” керак, - деди Шавкат Мирзиёев.



